

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2018
Декабрь

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.ЎРИНОВ, А.СОТВОЛДИЕВ Параболо - гиперболик типдаги модель тенглама учун учинчи чегаравий шартли нолокал масала	5
Э.МАДРАҲИМОВ, М.МИРЗАКАРИМОВА Математик статистика таҳлил қилиш усулининг бир масаласага татбиғи	11
Д.ОРИПОВ Қаср тартибли бир оддий дифференциал тенглама учун локал ва нолокал масалалар	17
М.АБДУМАННОПОВ Мавҳум аргументли бессель функцияси қатнашган ўзгармас коэффициентли интегро-дифференциал тенглама учун интеграл шартли масала	21

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

Р.Х.МАКСУДОВ, А.ДЖУРАЕВ, Ш.ШУХРАТОВ Пахта тозалаш агрегатининг аррачали барабан секцияси конструкциясини ишлаб чиқиш	25
М.НАБИЕВ, К.ГАЙНАЗАРОВА, Я.УСМОНОВ, И.ЮЛДОШЕВА Сезгир элементлардаги термоэлектрик тармоқлар сифатида қўлланиладиган <i>n-PbTe</i> пардалар баъзи хоссаларининг экспериментал тадқиғи ва уларни тузатиш	32

КИМЁ

А.ИБРАГИМОВ, А.ИБРОХИМОВ <i>Nitragia</i> индолли алкалоидлар ва уларнинг сунъий аналоглари физиологик фаоллигининг кимёвий структурага боғлиқлиги	36
---	----

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

Р.КУЗИЕВ, Г.ЮЛДАШЕВ Ўзбекистоннинг баланд тоғли тупроқлари қоплами	39
М.ИСАҒАЛИЕВ, Х.АБДУХАКИМОВА, М.ОБИДОВ Суғориладиган ўтлоқи саз тупроқлар геокимёси	43
В.ИСАҚОВ, У.МИРЗАЕВ Арзиқ-шухли ўтлоқи саз тупроқларнинг суғориш таъсиридаги динамикаси	47

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

А.ҒОФУРОВ, Г.ХОЛМАТЖОНОВА Даромадлар ва аҳолининг банкдаги пул жамғармалардан манфаатдорлигини ошириш муаммолари	51
--	----

ТАРИХ

Т.ЭГАМБЕРДИЕВА, И.СИДДИҚОВ, А.НИШОНОВ Диний бағрикенгликни таъминлаш борасида Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ҳамкорлиги	55
Ж.ҲАЙИТОВ Туркистонда манзарали дарахтлар янги турларининг тарқалиш тарихи (XIX аср охири - XX аср бошлари)	61
Н.РЕЖАББОЕВ Фарғона очларига ёрдам (1923-1924 йиллар)	64
З.РАХМАНОВ, М.ХОМИДЖОНОВА Қадимги Фарғонанинг маданиятларини даврлаштириш борасида айрим фикр-мулоҳазалар	69

ФАЛСАҒА, СИЁСАТ

Б.ГАНИЕВ, С.ЭВАТОВ, М.НЕЪМАТОВА Имом Бухорий ҳадисларидаги ахлоқ-одоб қоидаларининг тадбиркорлик маданиятига алоқадорлиги	74
А.КОМИЛОВ Ёшлар турмуш маданиятини юксалтиришда таълим-тарбиянинг ўрни	77

АДАБИЁТШУНОСЛИК

С.ХЎЖАЕВ “Панчатантра” эпоси ва ўзбек адабиёти	80
--	----

УДК: 8(091)+003.62

“ПАНЧАТАНТРА” ЭПОСИ ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

С.Хўжаев

Аннотация:

Мақолада ҳинд эпоси “Панчатантра”дан ўтган адабий-бадиий ҳодисалар, аллегорик образлар, уларнинг ўзбек адабиётига таъсири қиёсан тадқиқ қилинган.

Аннотация:

В статье в сравнительном аспекте исследуется влияние художественных явлений, аллегорических образов индийского эпоса «Панчатантра» на узбекскую литературу.

Annotation:

The article comparatively considers the influence of art situations, allegoric images of Indian epos “Panchatantra” to the Uzbek literature.

Таянч сўз ва иборалар: “Панчатантра”, аллегорик образ, тимсол, Калила ва Димна, ҳинд эпоси, услуб, жанр, композицион тузилиш, руҳий-маънавий, ахлоқий-фалсафий, таржима.

Ключевые слова и выражения: “Панчатантра”, аллегорический образ, символ, Калила и Димна, индийский эпос, стиль, жанр, композиционное построение, духовно-психологический, нравственно-философский, перевод.

Keywords and expressions: “Panchatantra”, allegoric image, symbol, Kalila and Dimna, Indian epos, style, genre, compositional structure, spiritual-psychological, morally-philosophic, translation.

Ўзбек адабиёти жаҳон адабиётининг таркибий қисми ҳисобланади. Унга жаҳон адабиётининг етук намуналаридан ўтган қатор адабий-бадиий ҳодисаларни, аллегорик образ ва тимсолларни қиёсий тадқиқ этиш адабиётшуносликнинг долзарб масалаларидан саналади.

“Панчатантра” қадимдан кўплаб вариантларда Ҳиндистон бўйлаб ёйилган. VI асрда Эрон шоҳи Хусрав Ануширвон бинни Кубод Сосоний китобни ўша даврдаги форс тили – паҳлавий тилига таржима қилдирган бўлса, аббосийлар халифалиги даврида машҳур олим Абдуллоҳ ибн ал-Муқаффа томонидан паҳлавий тилидан арабчага ўгирилади. Унинг форс тилидаги ривоятлари XVI асрда турк тилига “Ҳумоюннома” (“Шоҳона китоб”) номи билан таржима қилинди. “Панчатантра” (“Калила ва Димна”)нинг биринчи таржимаси XIII асрга мансуб бўлиб, унинг ягона нусхаси Лондон кутубхонасида сақланади.

Воқеликка баҳо беришда холис бўла олишимиз, ҳар бир шахснинг ижобий хусусиятларини турмуш тарзимизга татбиқ этишимизда ҳам ижтимоий ҳаётнинг кўзгуси бўлган сўз санъати – адабиёт бизнинг яқин маслақдошимиз, тарбия воситаси, таъсир кўрсатиш омилига айланиши шубҳасиз. Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда жамият ва инсон тақдири масаласи адабиётнинг энг долзарб ва муҳим муаммоларидан бирига

айланди. Бу борада ҳинд эпоси “Панчатантра”, Навоийнинг “Лисон-ут тайр”, Гулҳанийнинг “Зарбулмасал” асарлари ўзига хос ўрин ва аҳамиятга моликдир. Ушбу асарларда аллегорик образлар турли нуқтаи назардан, турлича ёндашувлар асосида чуқур ишланган.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида аллегорияга қуйидагича таъриф берилади: “**Аллегория** - (юн. - ўзгача ифодалаш, киноя, қочирим) – бадиий тасвир, образлилик тури, мавҳум тушунча ёки ғояларни муайян нарса ва ҳодиса орқали ифодалаш. Масалан, “тўти” сўзининг гапдон, “булбул” сўзининг “яхши қўшиқ айтувчи” маъно ифодалари бўлса, “бўри”, “тулки” сўзларидан “ёмонлик”, “ёвузлик”, “айёрлик”ни ифодаловчи салбий маъноларда фойдаланилади. Сўз билан образ ўртасидаги алоқа ўхшашлик ёки уйғунликка асосланади. (мас., қалб - севги). Шарқ адабиётида Ўрта асрлар (Уйғониш даври) Фарб адабиётида барокко, классицизм руҳидаги санъатда аллегория воситасида яратилган образлар кўплаб учрайди (масалан, адлия соҳасида “адолат” тарози кўтариб турган аёл шаклида ифодаланади).

Аллегория масал ва эртақларнинг айрим турларида кенг қўлланилади.”

Аллегорик образлар воситасида ҳам табиат, ҳам ижтимоий ҳаёт, шунингдек, маиший аспектда тасвирланган асарлар ёшидан, жинсидан, касбидан,

С.Хўжаев – ФарДУ адабиётшунослик кафедраси катта ўқитувчиси.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

миллатидан қатъий назар, кенг китобхонлар оммасини ҳамиша ўзига жалб этиб келган. Жаҳон адабиётида бунақа асарлар унчалик кўп эмас. Энг машҳурлари – ҳинд эпоси “Панчатантра” (ўзбек халқи орасида бу асар “Калила ва Димна” номи билан машҳур) бўлса, ёзма адабиётда Алишер Навоий, Гулханий, Сетон Томпсон каби ёзувчиларники. Уларнинг барида муаллифлар аллегорик образлар мисолида инсон фаолиятининг энг мураккаб жиҳатларини ёритадилар. Шунинг учун ҳам улар соф илмий, диний-фалсафий ёки маиший характердаги асар эмас.

Бу асарлар орасида энг машҳури ва энг кўп тарқалгани бизга “Калила ва Димна” номи билан яхши таниш бўлган “Панчатантра” бўлиб, у эрамининг учинчи асрларида яратилган. Ушбу адабий обиданинг яратилиши Гуптлар сулоласи ҳукмронлик қилган давр билан боғланади. Ҳинд тарихининг бу даври ўзининг мураккаб ижтимоий зиддиятлари, илм-фан, маданиятдаги порлоқ ютуқлари билан машҳур бўлиб, манбаларда “олтин давр” сифатида қайд этилади. Сабаби, шу даврда феодал муносабатлар такомиллашди, савдосотиқ ва бошқа тармоқлар гуллаб-яшнади. Ҳинд савдогарлари ўз маҳсулотлари билан бутун Осиё мамлакатларига кириб бордилар. Шу давр адабий маҳсули бўлган “Панчатантра” қахрамонлари табақалашув тўсиқлари билан ажратилмайди. Бадавлат тўқувчи билан қашшоқ брахман, машҳур савдогар билан ялангоёқ косиб воқеаларда ёнма-ён иштирок этаверадилар.

“Панчатантра” орқали биз қадимги саройлар ҳақида тасаввурга эга бўламиз. Ҳайвонот оламининг шоҳи бўлмиш шер–рожа-ҳукмдорлар тимсоли, айёр тулки ва шоқоллар уларнинг маслаҳатчилари. Бошқа ҳайвон ва паррандалар ҳам феъл-атворларидан келиб чиқиб, сарой амалдорларининг бадиий-мажозий тимсолларига айлантирилган. Шу билан бирга сарой муҳитидаги фитна, иғво, ҳасад – буларнинг барчаси асарда ўзининг образли ифодасини топган.

“Панчатантра”даги образлар мавжуд ҳаётдан олингани учун ҳам руҳимизга яқин. Ҳоли нима кечишини билмайдиган ўжарлар, олимликка даъво қилувчи нодонлар, маккор хотинига ишониб, ҳамиша панд еб юрадиган содда эр, уddaбуро ўғри, нафсига кул кимсаларнинг қиёфалари ҳар бир давр китобхони учун таниш қиёфалардир. Бундай кишиларнинг бадиий образлари мажозий либосда - ҳайвонлар ёки паррандалар

тимсолида берилиши асарнинг қизиқарлигини янада кучайтиради. Китобда навқирон авлодни турмуш машаққатларига тайёрлаш, унинг билим ва кўникмаларини орттириш мақсадида ҳикоялар махсус туркумларга ажратилади. Ҳаёт ҳақиқати, инсон камолоти масалалари босқичма-босқич адабий-бадиий тавсифлаб берилади. Ақл-идрок - муқаррар ҳалокатдан қутқарувчи энг яхши восита (Қуённинг Шерни енгиши ҳақидаги ҳикоят); нодон дўстдан маккор душман яхши (шоҳнинг Маймун билан дўст тутилиши, Маймун ухлаб ётган шоҳга қўнган пашшани қилич билан чопиб ташлаши, натижада шоҳ ҳам ҳалок бўлиши); тадбиркорлик билан ҳар қандай мушкулотни ҳал қилиш мумкинлиги (қари Қарға ҳийла билан бойўғлиларни кириб ташлаши); қўлдан келмаган ишга уринмаслик кераклиги (Маймун билан Дурадгор) ва ҳоказо сингари ҳаётий ўғитлар бугунгача ўз аҳамиятини йўқотмасдан келмоқда.

“Панчатантра” ўзининг услуби, жанр хусусиятлари, композицион тузилиши жиҳатдан шу даражада ўзига хоски, уни масаллар тўплами, ҳикоятлар мажмуаси, деб аташ билан китобнинг хусусиятларини тўла ифодалаб бўлмайди. Ушбу китобда реаллик ҳаёлот билан, заминдаги ҳаёт илоҳиёт билан чамбарчас боғланиб кетган.

Айрим маълумотларга қараганда, туркий халқлар бу асардан VIII асрда баҳраманд бўлганлар. Кейинроқ Алишер Навоийнинг замондоши ва дўсти бўлмиш Ҳусайн Бойқаро бу асарни янгидан форс тилига таржима қилдириб, китобнинг янада кенг тарқалишига ҳисса қўшади.

XIX асрда Муҳаммад Ниёз томонидан ўзбек тилига таржима қилинган “Калила ва Димна”ни нисбатан мукамал таржима, деб ҳисоблаш мумкин. Мутаржимнинг эътирофига кўра, асар энг нозик маъноларигача ўзбекча ифодасини топган. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларидаги Алмаий қаламига мансуб “Калила ва Димна” таржимаси энг машҳуридир. Ушбу таржима ўтган аср бошларида тошбосма усулида бир неча марта чоп этилган. Аммо вақт ўтиши билан услубининг оғирлиги, тилининг мураккаблиги натижасида ушбу таржима ҳам талабга жавоб бермай қолди. Асарнинг ахлоқий-маънавий аҳамиятидан келиб чиқиб, марҳум адабиётшунос Суйима Ғаниева “Калила ва Димна”нинг таржимасига киришди ва уни 1966 йили кўп нусхада нашр эттирди, 1992, 1994 йилларда эса у қайта чоп этилди.[1.256] Шуни

ҳам айтиш керакки, С.Ғаниева ўша давр тақозосига кўра “Панчатантра”нинг айрим ўринларини қисқартиришга, воқеалар баёнини соддалаштиришга интилди. Натижада бу таржима ҳам ҳинд эпосининг жозибасини бутунлай қамраб ололмади. Шундай бўлса-да, асар муайян давр авлодининг руҳий-маънавий, ахлоқий-фалсафий оламини бойитишда муҳим роль ўйнади.

“Панчатантра”нинг энг сўнгги таржимаси таниқли адабиётшунос ва адиб, моҳир таржимон Иброҳим Ғафуров қаламига мансуб бўлиб, у Истиқлолнинг дастлабки йилларида “Панчатантра” номи билан кўп нусхада нашр этилди. Айтиш мумкинки, ушбу таржима нисбатан мукамал бўлиб, бугунги кун китобхонининг диди ва талабига мос келади.

“Панчатантра” кўп асрлардан буён туркий тилда ижод қилувчи адиб ва шоирларга самарали таъсир кўрсатиб келмоқда. Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳам “Сабъаи сайёр” достонининг композицион хусусиятларини белгилашда ушбу ҳинд эпосидан андаза олганлиги шубҳасиз. Шунингдек, шоир қаламига мансуб “Шер билан Дурроғ”, “Ёлғончи чўпон” сингари масал ва шеърый ҳикоятлар, “Лисон-ут тайр”

достонидан ўрин олган бир қатор ҳикоялар “Панчатантра” таъсирида яратилган дейишга асос бор.

XVI асрнинг таниқли қалам соҳибларидан бири Хожа ҳам ўзининг “Мифтоҳ-ул адл”, “Гулзор” асарларида “Панчатантра” ҳикояларига ҳамоҳанг воқеаларни бадиий ифода этган.

“Калила ва Димна”дан ижодий фойдаланиш, анъаналарни муваффақиятли давом эттириш Муҳаммадшариф Гулханий ижодида янада яққол кўзга ташланади. Мазкур шоирнинг “Зарбулмасал” асаридаги “Маймун билан Нажжор” ҳамда “Тошбақа билан Чаён” масаллари “Панчатантра”даги ҳикоятларнинг деярли айнан ўзидир.

“Калила ва Димна”да тасвирланган воқеалардан Ҳамза Ҳакимзода, Абдулла Авлоний сингари маориф жонкуярлари, шоир ва адиблар ҳам унумли фойдаланганлар. Мазкур адабий обида бизга замондош шоиру адиблар, хусусан, масалнавислар учун ҳам илҳом бағишламоқда. Шу туфайли ҳинд эпосининг ушбу нодир намунаси бугунги кунда ҳам қалам аҳли учун маҳорат мактаби, китобхонлар учун эса битмас-туганмас маънавий озуқа манбаи бўлиб қолмоқда.

Адабиётлар:

1. Калила ва Димна: (Ҳикматнома) С.Ғаниева таржимаси. -Т.: Истиқлол, 1994.
2. Панчатантра (Таржимон И. Ғофуров). -Т., 2013.

(Тақризчи: А.Қосимов, филология фанлари доктори)